


«Islom.uz - 1441» танлови эълон қилинади


«...Яхшиликларга шошилинг» (Моида сураси, 48-оят)

**ISLOM.UZ - 1441
ТАНЛОВИ**




ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛА
Публицистик мақола, репортаж, очерк, устозимиз шайх
Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ ҳақларидаги хотиралар.

ЭНГ ЯХШИ ТАСВИРИЙ АСАР
Фото, графика, хаттотлик, тасвирий санъат.

ЭНГ ЯХШИ МУЛЬТИМЕДИА МАҲСУЛОТИ
Интерактив мультимедиа дастурлар, аудио, видео,
2D ва 3D анимация, интернет сайтлар.

ЭНГ ЯХШИ ТАРЖИМА
Хорижий тиллардан ўзбек тилига ёки ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима қилинган
маънавий-маърифий асарлар. Шунингдек, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг
китобларини бошқа тилларга таржима қилиш: таржима қилинмоқчи бўлган китобни портал мутасаддилари
билан маслаҳатлашиб олиш шарт.

ЭЛЕКТРОН РЕПРОДУКЦИЯЛАР ЮБОРИШ УЧУН МАНЗИЛЛАР

 maqola@islom.uz  islom.uz/tanlovga  [@islomuztanlovbot](https://t.me/islomuztanlovbot)

ТАНЛОВ 2019 ЙИЛ 25 НОЯБРГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТАДИ.

13:46 / 15.02.2019 3565

Бисмиллааҳир роҳманир роҳийм!

«...Яхшиликларга шошилинг» (Моида сураси, 48-оят)

Бандаларини Ўзининг розилиги йўлида яхшиликка шошилишга чорлаган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсин! Барча яхшиликларда умматларига гўзал ўрнатма, чинакам ибрат ва бетимсол намуна бўлган Пайғамбаримиз ҳазрати Расулуллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга дурудун салавотлар бўлсин!

Порталимизнинг азиз мухлислари!

«Islom.uz» портали анъанавий «**Islom.uz - 1441**» танлови бошланганини мамнуният билан маълум қилади.

Устозимиз, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг «Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳларимизга, улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш, диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш» шиорлари остида бир неча йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинаётган, хайрли анъанага айланган «**Islom.uz - 1441**» танлови очиқ деб эълон қилинади.

Танловнинг мақсади:

- буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиш;
- динимизнинг таълимотларини, халқимизнинг бой маънавий-маърифий ва адабий-бадий меросини, иймон нурига йўғрилган фазилатларини халқаро ахборот тармоқларида, ўзбекзабон интернет сарҳадларида тарғиб қилиш;
- ёшларнинг Ватанимиз тарихи, бугуни ва эртаси олдидаги масъулиятини ошириш;
- ёш авлодни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш ва зарарли таъсирлардан ҳимоялашга, уларни илм-маърифатга, янгиликка, замонавий илғор технологиялар билан танишишга тарғиб қилиш, келажак авлодни муносиб тарбиялаш.

Танловга тақдим қилинадиган асарларнинг йўналишлари:

«**Энг яхши мақола**» (публицистик мақола, репортаж, очерк, устозимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ ҳақларидаги хотиралар)

«**Энг яхши тасвирий асар**» (фото, графика, хаттотлик, тасвирий санъат)

«**Энг яхши мультимедиа маҳсулоти**» (интерактив мультимедиа дастурлар, аудио, видео, 2D ва 3D анимация, интернет сайтлар)

«**Энг яхши таржима**» (хорижий тиллардан ўзбек тилига ёки ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима қилинган маънавий-маърифий асарлар. Шунингдек, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг китобларини бошқа тилларга таржима қилиш: таржима қилинмоқчи бўлган китобни портал мутасаддилари билан маслаҳатлашиб олиш шарт);

«Тест мусобақаси» (islom.uz порталида бериб борилаётган дарслар асосида тест топшириқларини бажариш. Тест мусобақасида иштирок этиш учун сайтдан рўйхатдан ўтиш керак. Рўйхатдан Telegram, Facebook, Google орқали ҳам ўтишингиз мумкин).

Тестда мусобақасида иштирок этиш учун манба: <https://islom.uz/test>


«...Яхшиликларга шошилинг» (Моидда сураси, 48-оят)

ISLOM.UZ - 1441 ТАНЛОВИ ТЕСТ МУСОБАҚАСИ

ТЕСТДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ ҚАНДАН?

 <p>7 дақиқа давомида 10 та савол берилади.</p>	 <p>Тўғри жавоб учун 1 ҳасанот берилади.</p>	 <p>7 дақиқа ичида жавоб берилган саволларгина ҳисобга олинади.</p>	 <p>Савол берилиши вақтида жавобни манбалардан қидириш мумкин эмас.</p>
--	---	--	--

ТЕСТДА БИР КУНДА БИР МАРТА ИШТИРОК ЭТИШИНГИЗ МУМКИН

**БИР ИШТИРОКЧИ ФАҚАТ БИТТА НОМ БИЛАН ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК.
ТАНЛОВ ЯКУНИДАГИ ТЕКШИРИШДА ТУРЛИ ХИЛ НОМЛАР БИЛАН ИШТИРОК
ЭТГАН Фойдаланувчининг натижаси БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТЕСТЛАРГА ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН ҚАЙСИ МАНБАЛАРНИ ЎҚИШ КЕРАК?

Тест саволлари islom.uz`да бериб борилаётган
АҚИЙДА, ҚУРЪОН, ҲАДИС, ФИҚҲ, СИЙРАТ, ТАЗКИЯ
дарслари асосида тузилган.


ISLOM.UZ

ТАНЛОВ 2019 ЙИЛ 25 НОЯБРГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТАДИ.



«...Яхшиликларга шошилинг» (Моида сураси, 48-оят)

ISLUM.UZ - 1441 ТАНЛОВИ ТЕСТ МУСОБАҚАСИ

ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАБ БОРИЛАДИ?

Ҳар ойнинг 1 кунидан 25 кунигача (милодий ой ҳисобида), ойлик босқич ўтказилади

Ойлик босқичдаги энг яхши ҳасанот тўплаган 10 та иштирокчига йиллик ҳасанот берилади

И - Ойлик иштироклар сони
У - Ойлик ҳасанотлар сони
Й - йиллик ҳасанотлар сони

10 ўридан пастдаги натижалар учун ҳасанот берилмайди.

Ўрин	Иштирокчи	И	У	Й
1	Abdulloh	20	200	10
2	Umar	20	190	9
3	Osiha	20	180	8
4	Abbos	20	170	7
5	Ibrohim	20	160	6

Ўрин	Иштирокчи	И	У	Й
1	Umar	19	200	10
2	Abdulloh	20	200	9
3	Osiha	20	180	8
4	Abbos	20	170	7
5	Ibrohim	20	160	6

Ойлик босқич сўнгида иштирокчиларнинг ҳасанотлари тенг бўлиб қолса, ким камроқ имкониятда ҳасанот тўплаганлигига қаралади. Иштироклар ва ҳасанотлар ҳам тенг бўлиб қолса, ким эртароқ ҳасанот тўплаганлигига қаралади.



Ғолиблар йиллик ҳасанотлар ҳисобидан аниқланади. Йиллик ҳисобда иштирокчиларнинг ҳасанотлари тенг бўлиб қолса ҳам ойлик ҳисобдаги каби қаралади.

Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганлар танлов ғолиби деб топилиб, эсдалик совғалари билан тақдирланади.



ТАНЛОВ 2019 ЙИЛ 25 НОЯБРГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТАДИ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким алдаса биздан эмас» деган ҳадиси шарифларини унутмаслигингизни ва амал қилишингизни илтимос қиламиз. Бу лойиҳанинг асосий мақсади, мўмин-муслмонлар Исломиёв илмларни қай даражада билишларини текшириш ва муносиб бўлган иштирокчини тақдирлашдан иборат.

Танловга тақдим этиладиган асарларда Ислом тарихи, илм-фан, маданият ва санъатига бағишланган мавзулар ёритилиши, хусусан, диёримизнинг, буюк аجدодларимиз ва замондошларимизнинг Ислом умматининг равнақига қўшган ва қўшаётган улкан ҳиссаси акс эттирилиши, халқимизнинг маънавий-руҳий қиёфаси, Ўзбекистоннинг инсоният тарихида ва бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ёритиб берилиши, халқимизнинг бой маданий ва маърифий мероси, бугуни ва эртаси ифодалаб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Иштирокчиларнинг яшаш жойи, миллати, дини, жинси, ёши, савия ва малакаси, шунингдек, танловга юбориладиган асарларни тайёрлаш воситалари чегараланмайди

Асарлар анъанавий ва электрон форматларда қабул қилинади.

Юборилган асарлар ва электрон репродукциялар рўйхати islom.uz сайтининг махсус бўлимида маълум қилиб борилади.

Электрон репродукциялар юбориш учун манзиллар:

maqola@islom.uz (Э.почта манзили)

[@islomuztanlov_bot](https://t.me/islomuztanlov_bot) (Telegram бот манзили)

islom.uz/tanlovga (сайтдаги манзил)

Танлов 2019 йил 25 ноябрга қадар давом этади.

Тақдим этилган асарлар порталга ташриф буюрадиган барча мухлислар эътиборига ҳавола этилиб, ҳакамлар ҳайъати ҳамда интернет фойдаланувчилари томонидан баҳоланади. Энг юқори баҳо олган асарлар ўз мезонлари бўйича танлов ғолиблари деб топилади ҳамда муаллифларга совринлар топширилади. Якуний баҳолар ҳакамлар ҳайъати томонидан қўйилиб, танлов ғолиблари ҳижрий 1441 йилнинг Робиъул аввал ойида эълон қилинади, иншааллоҳ.

Марҳамат, танловда иштирок этинг ва ғолиб бўлинг!